



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 18 июль, № 144 (8767)

Пайшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Биринчи ярим йилликдаги иқтисодий натижалар ва йил якунигача мўлжалланган устувор вазифалар муҳокама қилинди

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 17 июль куни ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Аввало, бажарилган ишлар қисқача айтиб ўтилди. Жорий йилнинг олти ойида ялпи ички маҳсулот 6,4 фоизга кўпайган. Саноат 7,8 фоизга, қурилиш 10,1 фоизга, хизматлар 12,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги 3,8 фоизга ўсган. Бюджет даромадлари ҳам 113 триллион сўмга етиб, 14 фоиз ошган.

Умуман, йил бошидан буён республикада яратилган қўшилган қиймат 56,7 триллион сўмга, яъни 45,1 миллиард долларга етган. Бундай рақамлар илгари бўлмаган.

Ўтган даврда жами капитал қўйилмалар 229 триллион сўмни ташкил қилган. Шундан 15,5 миллиард долларни хорижий инвестициялар ташкил қилган. Андижон, Булқобчи, Қорақўл, Кармана, Давлатобод туманлари, Наманган ва Самарқанд шаҳарлари инвестицияси 100 миллион доллардан, Шароф Рашидов, Фориш, Янги Наманган, Охангон туманларида эса 70 миллион доллардан ошган.

Йил бошидан 3,5 миллиард долларлик 3 мингта лойиҳа ишга туширилиб, 76 мингта юқори даромадли доимий иш ўрни яратилган. Тадбиркорлик учун 82 триллион сўм кредит ва 15,5 триллион сўм субсидия берилиб, 600 минг

аҳоли бизнесга жалб қилинган. Енгиллик ва имтиёзлар туфайли тадбиркорларда 56,3 триллион сўм маблағ қолган. “Яшил” энергетика соҳасидаги ишлар ҳам натижа бера бошлади. Ҳозиргача ишга тушган 2,4 гигаваттлик 10 та қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобига ярим йилликда 1,6 миллиард киловатт “яшил” энергия олинди. Бу ярим миллиард кубометр газни тежаш имконини берди.

Шу йилнинг ўзида маҳаллаларни обод қилиш, боғча, мактаб, тиббиёт, йўл, сув, электр каби инфратузилмани яхшилаш учун бюджетдан 31,5 триллион сўм ажратилган. Бунга қўшимча яна 1,5 триллион сўм берилди.

Ўтган олти ойда 28 минг 600 та янги хонадон қурилган. 18 мингта оилага 7 триллион сўмга яқин ипотека кредити ажратилган. Улар бўйича бошлангич тўлов ва фоизни қоплаш учун 545 миллиард сўм субсидия берилган.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда кўпроқ муаммолар бўйича гапириб, аниқ режа ва вазифаларни белгилаш зарурлигини таъкидлади.

— Дунёдаги оғир шароитга қарама-дан барқарор иқтисодий ўсиш йўлида

аниқ натижаларга эришяпмиз. Буни Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, ҳамкор давлатлар раҳбарлари, рейтинг ташкилотлари, йирик инвесторлар ҳам эътироф этяпти. Лекин бугун камчиликларни кўрсатиб, захираларни ишга солиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олесак фойдали бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Биринчи бўлиб иқтисодиёт, молия, солиқ, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари муҳокама қилинди. Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Ғиждувон тажрибалари натижасида олти ойда 4 мингдан ортиқ маҳаллалар саноат ва қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган, 1 миллион 600 минг аҳоли расмий банд бўлган, 712 мингта янги даромад солиғи тўловчи пайдо бўлган.

Йиғилишда буларга янги туртки бериш мақсадида қўшимча чоралар белгиланди. Хусусан, энди туман ҳокими, банк раҳбари ва маҳалла раиси бир бўлиб ишлаш бўйича уч томонлама шартнома тузди. Жорий йил 1 декабргача Сайхунобод тажрибаси асосида хонадонлар учун молиявий пакет қилиб берилди. Бу орқали 495 минг аҳолининг бандлиги

таъминланади. Иккинчи ярим йилликда “Оилавий тадбиркорлик” дастури қамрови 1,5 баробар оширилиб, 4 триллион сўм ажратилди.

Уйчи тажрибасига асосан туман ҳокими ва банк раҳбарлари тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг бизнесини кенгайтиришга кўмаклашади. Бунда ҳоким ер, электр, сув, йўл ва бошқа инфратузилма масаласини, банк эса маблағни ҳал қилади. Бу орқали йил якунигача 670 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Ғиждувон тажрибаси асосида йил якунига қадар мингта маҳалланинг ўзида кўп қаватли саноат бинолари ташкил қилинади. Уларга хонадонлардаги ишлаб чиқаришлар кўчирилади. Ушбу биноларнинг юқори қаватларида ишлайдиган тадбиркорларга солиқ имтиёзлари берилди. Бу 140 минг иш ўрнини “соядан” чиқаришга шариоит яратди.

Зарбдор тажрибаси асосида туманларда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида драйвер лойиҳалар қилинади. Уларни амалга оширишга бу йил қўшимча 500 миллион сўм ажратилди. Бу орқали яна 150 минг иш ўрни бўлади.

Бош вазирга мазкур тўртта тажрибани қўллаш ҳолда йил якунигача 2 миллиард 416 минг аҳоли бандлигини таъминлаш режасини туманлар кесимида тасдиқлаш топширилди.

Бюджетта тушумларни таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Корхоналар ва тадбиркорларга кўмак бериб, даромадини ошириш орқали солиқ тушумини кўпайтириш мумкинлиги таъкидланди. Тадбиркорга ортиқча тўлов қилдирган масъуллар жазоланиши ҳақида қатъий огоҳлантирилди.

Хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши, йирик корхоналарда таннархни пасайтириш ишлари сустиги кўрсатиб ўтилди.

Энди тадбиркорларга имтиёз ва субсидиялар мақсадида кўрсаткичи билан бир йилга берилиши, натижасига қараб мuddати узайтирилиши ёки бекор қилиниши айтилди.

Бу йил ҳудудий корхоналарда 164 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Лекин Когон шаҳри, Қоровулбозор, Зафаробод ва Мирзаобод туманларида саноат пасайган. Мутасаддиларга йил якунигача кам қувватда ишлаётган 2 мингта

корхонани ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Фаолиятда тизимли камчиликларга йўл қўйган 28 та туман ва шаҳар ҳокимига нисбатан интизомий жазо қўлланди. Қораўзақ, Тахиятош, Учқудуқ, Тошкент, Фурқат, Гурлан, Мирзаобод, Янгиариқ, Мингбулоқ туманлари, Фозгон шаҳри ҳокимлари лавозимидан озод қилинди.

Йиғилиш кун тартибидидаги навбатдаги масалалар транспорт, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳалари бўйича бўлди.

Аввало, қурилишда таннархни пасайтириш масаласи таҳлил қилинди. Ер ва қурилиш материалларидан ташқари лойиҳани келиштириш, махсус техник шартлар олишдаги қийинчиликлар кўрсатиб ўтилди. Энг катта “хуфиёна иқтисодиёт” ҳам қурилишда.

Шу боис Қурилиш вазирлигига соҳада тадбиркорлик учун тўсиқ бўлаётган барча тартиб-таомилларни янгилаш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 21 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2024 йил 10 июлда маъқулланган

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмларини ошириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш имкониятларини кенгайтириш, пиллачилик ва тутчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига, агросаноат кластерларига ва бошқа юридик шахсларга ер участкалари ажратилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаш, шунингдек ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ерлардан фойдаланиш шартларини қайта кўриб чиқиш зарурияти мавжуддир.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ҳамда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлари ўн йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилиши мумкинлигини, шунингдек ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан мазкур ер участкаларида ҳамда боғлар ва тоқзорларнинг қатор ораларига мақбул экинлар экилишини ёки тут қўчатлари ўтказилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига пиллачилик ва тутчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига, агросаноат кластерларига ва бошқа юридик шахсларга майдони ўн гектаргача бўлган ер участкалари ажратилиши мумкинлиги тўғрисидаги қўшимча киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ЕТАҚЧИЛАРИ КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ИНТИЛИШЛАРИ ҚАТЪИЙ ЭКАНИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июль куни Эрон Ислоҳ Республикасининг янги сайланган Президенти Масъуд Пезешкиён билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Масъуд Пезешкиёни бўлиб ўтган Президент сайловидаги ғалаба-си билан самимий кутлаб, масъулиятли давлат лавозимига катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон — Эрон муносабатларини янада ривожлантириш, савдо, инвестиция ва транспорт соҳаларидаги

амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажми, қўшма лойиҳа ва корхоналар, авиақатновлар сони ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Аввал эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш маса-

ларига алоҳида эътибор қaratилди. Энергетика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги қайд этилди. Минтақавий кун тартибидидаги долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

#### ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМЕРИКА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Олий таълим соҳасига етакчи хорижий таълим муассасаларининг илгор тажрибасини жорий этиш ишларини янада кенгайтириш, улар билан ҳамкорликни ривожлантириш, таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш, шунингдек, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридидаги Стратегик ислохотлар агентлиги, Аризона давлат университети (АҚШ) ҳамда “Cintana Education” компанияси (АҚШ) ўртасида 2023 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида Америка технологиялар университетини

ташкिल этиш тўғрисида ахдлашув меморандуми имзолангани; Тошкент шаҳридаги Америка технологиялар университетининг таълим жараёнини ташкил этишда Америка Қўшма Штатлари томонидан “Cintana Education” компанияси ҳамкор этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинган;

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда “Cintana Education” компаниясининг (АҚШ) Тошкент шаҳрида Америка технологиялар университетини (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин;

3. Қуйидагилар Университетнинг

асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

муҳандислик, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, архитектура ва дизайн, иқтисодиёт ва молия, халқаро муносабатлар соҳалари учун олий маълумотли кадрларни халқаро стандартлар даражасида тайёрлаш; ўқув-тарбия жараёнини илгор педагогик ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш ҳолда жаҳоннинг етакчи университетларида жорий этилган таълим технологиялари ва усуллари асосида ташкил этиш;

(Давоми 2-бетда).

### ҚИРГИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА Бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров 18-19 июль кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади, уларда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинади. Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, бизнес ва ҳудудлар даражасида кооперация алоқаларини кучайтириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш, транспорт-транзит соҳасидаги имкониятлардан фойдаланиш, маданий-гуманитар алмашинуви фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

Бир қатор қўшма лойиҳаларни ишга тушириш ва икки томонлама ҳужжатлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, айни кунларда Ўзбекистонда бизнес форуми, ректорлар форуми, Қирғизистон маданияти кунлари ва бошқа қўшма тадбирлар ўтказилмоқда.

Ў.А.

### Ўзбекистон — Қирғизистон:

#### СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ Янги УФҚЛАРИ САРИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Президенти Садир Жапаров 18-19 июль кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.

Қирғизистон — Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори ва энг яқин қўшниси. Икки халқнинг тарихи ҳамда маданияти бир-бири билан узвий боғлиқ, қардошлик муносабатлари эса илқ дўстлик ва яхши қўшничилик учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

3

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИЎзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига  
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Агротомоси мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси органларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга доир ваколатлари белгиланмоқда.

Ушбу Қонун ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳамда пиллачилик ва тўтичликни янада ривожлантириш орқали қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштириш имкониятларини кенгайтиришга, шунингдек ер участкаларидан ва сув ресурсларидан фойдаланишда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13,

14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар) куйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **245<sup>1</sup>-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**245<sup>1</sup>-модда.** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Агротомоси мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси органлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Агротомоси мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг 65, 68-моддаларида (қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларга оид қисми), 69-моддасида (қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларнинг чегара белгиларига оид қисми), 87-моддасида (қишлоқ ҳўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникасига оид қисми), 89 ва 89<sup>1</sup>-моддаларида (қишлоқ ва сув ҳўжалигига оид қисми), 104<sup>1</sup>, 104<sup>2</sup>, 112-моддаларида, 125-моддасининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида, 135, 139, 140, 141-моддаларида (қишлоқ ҳўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникасига оид қисми), 200, 212, 213, 214, 227<sup>1</sup>-моддаларида (қишлоқ ҳўжалигига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Агротомоси мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллашга Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Инспекция ҳудудий бошқармаларининг ҳамда Инспекция туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари ва бошлқ ўринбосарлари ҳақлидир»;

2) куйидаги мазмундаги **245<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

«**245<sup>1</sup>-модда.** Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси органлари

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг иккинчи ва учинчи қисмларида, 75, 76-моддаларида (сувнинг сув объектларидан ва қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишга оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллашга Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Инспекциянинг бўлим бошлиқлари,

Инспекция ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг бўлим бошлиқлари ҳақлидир»;

3) **266<sup>2</sup>-модда** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 919-модда) куйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **24<sup>2</sup>-модданин**г **иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаси бир йилгача бўлган муддатта, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлари эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштириш учун ўн йилгача бўлган муддатта иккиламчи ижарага берилиши мумкин, бундан ушбу модданин

г **учинчи қисми**да назарда тутилган ҳоллар мустасно»;2) **40-модданин**г **биринчи қисми** куйидаги мазмундаги**1<sup>1</sup> ва 1<sup>2</sup>-бандлар** билан тўлдирилсин:

«1<sup>1</sup>) қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларида мақбул экинлар экилишини ёки тут кўчатлари ўтказилишини таъминлаш;

1<sup>2</sup>) асосий экинларнинг ривожланишига салбий таъсири бўлмаган ҳолларда боғлар ва тоқзорларнинг қатор ораларига даромад келтириши мумкин бўлган мақбул экинлар экилишини таъминлаш»;

3) **46<sup>1</sup>-модда:**

**2-бандининг олтинчи хатбоши**си куйидаги тахрирда баён этилсин:

«ғаллачиликка, сабзавотчиликка, пиллачилик ва тўтичиликка ихтисослашганларга – камида 10 гектар»;

**3-банди** куйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«пиллачилик ва тўтичиликка ихтисослашганларга – камида 10 гектар».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер ҳўжалиги тўғрисида**»ги 602-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-11-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 9, 540-модда,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОИ  
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМЕРИКА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

талабаларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, билимини амалий тажриба орқали мустаҳкамлашга, ўқув материалларини самарали ва пухта ўзлаштиришга хизмат қиладиган ҳар томонлама қўлай таълим муҳитини шакллантириш;

таълим ва илмий тадқиқот йўналишларида **етакчи хорижий олий таълим ва илмий тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш**, талабаларнинг академик мобилиятини йўлга қўйиш;

**илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш**, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказларида ташкил этиш;

**таълим-тарбия жараёнини талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий ғазилатларни ривожлантириш**, Ватанга муҳаббат ва сadoқат, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш тўғриси билан ишайдиган барқамол авлод сифатида тарбиялашга қаратган ҳолда ташкил этиш;

4. Белгилаб қўйилсинки: Университет нодавлат олий таълим ташкилотини ҳисобланганда ҳамда ўз фаолиятини **2024/2025 ўқув йилидан** бошлаб Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади;

Университетда талабаларни ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади ҳамда қабул параметрлари ва талабаларни ўқитиш учун тўлов-контракт суммаси Университет томонидан белгиланади;

Университетга абируриентлар қабули ва битирувчилар аттестацияси Университет томонидан белгиланган талаб ва тартибга мувофиқ амалга оширилади;

Университет тўлиқ академик, молиявий ва ташкилий мустaqил олий таълим ташкилотини ҳисобланади;

Университет битирувчиларига **Аризона давлат университетининг** ёки Америка Қўшма Штатларида тан олинган ҳамкор хорижий олий таълим ташкилотининг **дипломи берилади**. Бунда битирувчиларга берилган диплом Ўзбекистон Республикасида тан олинган;

Университетда қўшма таълим дастурларининг хорижий университетда ўқиш қисмининг **бакалавриятда “3+1”, магистратурада “1+1”** ва бошқа шаклда, жумладан, масофавий тарзда амалга ошириш имконияти яратилади;

Университет фаолияти таъсисчилар маблағлари, тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушган маблағлар, хомийлик хай-

риялари, грантлар ва қонунчиликда тақиқланган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. “Cintana Education” компанияси (АҚШ) куйидагиларни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши маъмулом учун қабул қилинсин:

Университетни ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш учун 2024 — 2030 йилларда **30 миллион АҚШ доллари**, 2030 — 2035 йилларда **20 миллион АҚШ доллари** миқдоринда инвестиция киритиш ҳамда инвестицияларнинг камида 50 фоизини Университет моддий-техника базасини шакллантиришга сарфлаш;

Университетга Аризона давлат университетини ҳамкор сифатида жалб этиш ҳамда Университетда таълим жараёнини ҳамкор университетнинг андозаси, ўқув-методик ва технологик қўллаб-қувватлаши асосида ташкил этиш;

Университетнинг кутубхона фондиди шакллантириш, уни замонвий ўқув, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдириш ҳамда талабалар учун Аризона давлат университетининг кутубхона фондидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

Университетда Аризона давлат университети ва нуфузли рейтинг ташкилотларининг юқори 200 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим ташкилотларининг таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш ҳамда **хорижий олий таълим ташкилотларининг дипломини беришни назарда тутувчи қўшма таълим дастурларини жорий этиш**.

6. Тошкент шаҳри, Бешёғоч қўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бино-иншоотлар унга бириктирилган ҳудуд билан биргаликда “Cintana Education” компаниясига (АҚШ) Университетни ташкил этиш учун 49 йил муддатга ижарага берилинсин.

7. Тошкент шаҳридаги Америка технологиялар университети фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш бўйича **бошқарув кенгаши** (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига **қуйидаги ваколатлар** берилинсин:

Университетни **ривожлантириш дастури, мақсадли кўрсаткичлари** лойиҳасини кўриб чиқиш ва келишиш;

Университет олдига қўйилган **вазифалар**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 17 июль

**ижроси, мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолатини** назорат қилиб бориш ва йиллик ҳисоботларни қабул қилиш;

таъсисчиларнинг **инвестициявий ва бошқа мажбуриятлари бажарилиши** асосида мониторинг олиб бориш;

Университет **ректору ва проректорлари лавозимига тавсия этилаётган номзодларни** кўриб чиқиш ва хулоса бериш;

Университетнинг **ўз таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашга рўхсат бери**ши юзасидан қарор қабул қилиш.

8. Бошқарув кенгаши (О.Абдурахманов): **икки ҳафта муддатда** Университетнинг Тошкент шаҳри, Бешёғоч қўчаси, 1-уй манзили бўйича жойлаштирилишини;

**2024 йил 1 августга қадар** Университет томонидан хориждан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларни жойлаштириш учун ижара тураржойлари тайёрланишини;

**2025 йил 1 сентябрга қадар** Университет кампусини қуриш учун Тошкент шаҳри ҳудудидан зарур ер майдонининг белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

9. Ташқи ишлар вазирилик Олий таълим, фан ва инновациялар вазириликнинг виза талабномаларига биноан Университетга жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун қириш визалари қонсуллик йўғимлар ва ҳаққий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йўғимлар ундирмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик Олий таълим, фан ва инновациялар вазириликнинг бюрортомаларига қўра Университетни ташкил этиш ва унинг фаолият юритишида иштирок этадиган хорижий фўқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А.Шарипов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Биринчи ярим йилликдаги иқтисодий  
Натижалар ва йил якунигача мўлжалланган  
устувор вазифалар муҳокама қилинди

1 Сифат ва тартибни кўчайтириш максалида Қурилиш ва уй-ҳўи коммуналь ҳўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳуқумат таркибига ўтказилиб, ваколатлари кенгайтирилди. Рухсатсиз ёки лойиҳадан четга чиқиб қилинаётган қурилишлар бўйича жазо чоралари қўчайтирилди.

Янги лойиҳаларда тадбиркорлар учун электр ва газдан техник шартлар олиш рақамлаштирилди. Бунда тармоққа уланшиш нуктасини инсон омилисиз автоматлашган тарзда танлаш тизими жорий қилинади.

Бу йилги Инвестиция дастурида 1 минг 896 та лойиҳага 20,5 триллион сўм ажратилган. Жумладан, 618 та мактаб, 176 та болалар боғчаси, 80 та поликлиника ва 67 та шифохона қурилиб, жойлашгани белгиланган.

2 минг 152 та кўп қаватли уй-ҳўи барпо қилиб, 100 мингдан зиёд хонадонни фойдаланишга топшириш режа қилинган. 570 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш, 13 минг километр йўл ва 195 та кўприкни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Жамоат транспортда электрон тўлов тизимини тўлиқ жорий қилиш, барча вилоят марказларида йўловчи ташини брутто-шартомна асосида молиялаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари бу йўналишларга бирма-бир тўхталиб, кечикаётган лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди. Бу ишларнинг ижтимоий аҳамиятини, уларни одамлар ўз ҳаётида сезиши кераклигини таъкидлади.

Йилгиликда инвестиция, экспорт ва қишлоқ ҳўжалигидаги масалалар ҳам атрофича муҳокама қилинди.

Ўтган олти ойда иқтисодиётга 15,5 миллиард доллар хорижий, шундан 14 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестиция киритилган. Президентимиз уларнинг натижадорлиги таҳлилига эътибор қаратди.

Уч йилда киритилган ҳар бир доллар инвестиция ўртача уч доллар қиймат яратган. Ўк ҳар 1 минг доллар хорижий инвести

Ўзбекистон — Қирғизистон:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ САРИ

Мустақилликка эришган дастлабки кунларда ҳам Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди ҳамда икки давлат пойтахтларида элчинозал очилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари даражасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг, жумладан, телефон орқали мулоқотлари ва халқаро майдонларда доимий учрашувлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, икки мамлакатнинг тақдирли марказлари ўртасида Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича аниқ қўшма тақдир ҳамда ташаббуслар ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот алоқалари йўлга қўйилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади ва ушбу йўналишда юқори натижаларга эришилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда қарийб тўрт баробар ошди. 2024 йилнинг январь — май ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 294,3 миллион АҚШ долларга етди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Қирғизистон капитални янги йўналишда 273 корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Қирғизистонда эса мамлакатимиз резидентлари иштирокатида 70 та корхона ташкил этилган.

1996 йилдан буён фаолият юритаётган Хукуматлараро комиссия ва 2021 йилда ташкил этилган Ишбилармонлар кенгаши икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустақамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Икки давлат учун яна бир стратегик йўналиш транспорт коммуникацияларини ривожлантиришдир. Шу нуктаи назардан, томонлар Марказий Осиёнинг транспорт тизимини мустақамлаш ва ривожлантириш бўйича биргаликда савдо-иқтисодий мувофиқлаштириш орқали йирик трансчегаравий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Хитой — Ўзбекистон қўшма темир йўлини қуриш лойиҳаси шулар жумласидан. 2017 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга ташрифи чоғида Олий Мажлис ва Жўқорғу Кенеш ўртасида парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди.

2020 йил июнь ойида ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссия тўғрисида бўлса, 2021 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Қирғизистонга ташриф буюрди. Парламент делегацияларининг ўзаро ташрифлари амалга ошди, шунингдек, икки давлат парламентарийлари МДҲ

Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича ҳам муҳим қарорларга эришилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил январь ойида Қирғизистонга давлат ташрифини якунлар экан, Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегарасининг айрим участкалари тўғрисида Битим имзолангани икки томонлама муносабатларда чинакам тарихий воқеа бўлганини алоҳида таъкидлади. "Чегарани делимитация қилиш масалалари тўлиқ тартибга солингани икки томонлама ҳамкорлик ва ҳудудлараро алмашинувлар ривожига муҳим ўрин тутди, минтақамизда барқарорлик ва ҳавфсизликнинг мустақамлашишига хизмат қилади", деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги узоқ йиллардан буён ўзаро муносабатлардаги мураккаб масалалардан бири сув ресурсларини бошқариш бўлиб келган. Икки давлатнинг сиёсий иродаси тўғрисида бу борада ҳам муҳим келишувларга, хусусан, Кампиробод (Андижон) сув омбори сув ресурсларини биргаликда бошқариш бўйича келишувга эришилди. 2022 йилда Қўшма сув комиссияси тузилди, унинг тўртта йилгилиги бўлиб ўтди. Унинг охиригиси 2024 йилнинг апрель ойида Андижон шаҳрида ўтказилган. Комиссия фаолияти кўп йиллик мунозарали масалаларни ҳал этиш ва сув ресурсларини оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

Бу мамлакатлар ўртасидаги ишончли мустақамлаш ва минтақанинг барқарор ривожланиши учун шарт шарт бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг юқори даражасидаги ўзбошимчилик бўлиб келган. Ўзбекистонда 300 мингдан ортиқ қирғизлар истиқомат қилса, Қирғизистондаги ўзбеклар жамоаси 1 миллионга яқин кишини ташкил қилади. Ҳар икки давлатда она тилларида таълим берадиган маданий марказлари ва мактаблар фаол ишламоқда.

2017 ва 2018 йилларда Қирғизистонда ва Ўзбекистонда икки давлат маданияти кўлини ўтказилди. 2022 йилда Ўзбекистонда қирғиз маданияти марказларининг 30 йилгики нишонланди,



2023 йил апрель ойида Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек академик мусиқа драма театрида Ўзбекистон ҳукумати кўмағида амалга оширилган реконструкция ишлари якунланди.

Томонлар фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида беш йиллик шартнома имзоланди. Маъзур Битим доирасида педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик ривожлантирилиб, талабалар ва ўқитувчиларнинг ўзаро алмашинуви йўлга қўйилган.

Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг чегара шартномаларида олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Ўқув дастурлари доирасида талабалар алмашинуви амалга оширилди, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари ҳамда Ўзбекистоннинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари олий таълим муассасалари ўртасида қатор ҳамкорлик меморандумлари тузилган.

Илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битимнинг амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Фанлар академияси ва Қирғизистон Миллий фанлар академияси ўртасида самарали алоқалар ўрнатилди. Икки мамлакат илм-фан намоёндаларининг ташрифлари амаллашмоқда. Томонлар Ўзбекистон ва Қирғизистонда ўткази-

ладиган илмий-амалий анжуманларда мунтазам иштирок этипти. Бугунги кунда таълим ва фан соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаган катта имкониятлар мавжуд.

Мунтазам ҳаво қатновининг тиклангани, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиб-таомилларининг соддалаштирилгани ўзаро сайёҳлар оқимининг ошишига хизмат қилапти. Ўзбекистонга келётган қирғизистонлик сайёҳлар сони йил сайин ортиб бормоқда ва бу ҳам мамлакатларимиз халқлари ўртасида маданий алоқалар ва қардошлиқ ришталари мустақамлигидан далолат беради.

Ҳеч шубҳасиз, олий даражадаги конструктив мулоқот, фаол иқтисодий ҳамкорлик ва маданий алмашинувлар Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги шерикликни янада мустақамлаш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка интилиш ҳар икки давлатнинг барқарор ривожланиши ва фаровонлиги учун қўлай шарт-шароит яратди. Шу нуктаи назардан, Қирғизистон Президентини Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга бўлажак давлат ташрифи эришилган ҳамкорлик даражасини мустақамлаш ва ўзаро манфаатли шерикликни янада жадаллаштиришга туртки берадиган муҳим қўллаб-қувватлаш.

«Дунё» АА.

Анжуман

ИККИ МАМЛАКАТ ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС ФОРУМИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон — Қирғизистон бизнес форуми бўлиб ўтди. Икки мамлакат вазирли ва идоралари, тармоқ бирлашмалари, виллоят ҳокимликлари раҳбарлари ҳамда 350 дан зиёд ишбилармон доира вакиллари қатнашган тадбирда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Жумладан, ўзаро товар айирбошлаш ҳамда ўсиш қузелтирилган қайд этилди. Ўтган йил якунига кўра маъзур кўрсаткич 1 миллиард долларга етган. Товар айланмаси янада ошишини таъминлаш учун тайёр тўқима-чилик, озиқ-овқат, елим, пойабзал, ўғит, қурилиш, маиший техника ва фармацевтика махсулотлари, ахборот технологиялари хизмати, қорамол ва майда қорва моллари, кўмир, озиқ-овқат ва бошқа талабгир товарлар етказиб беришни ўзаро қўлайлаштириш чораларини қўриш муҳимлиги қайд этилди.

Форумда, шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш, чегара ҳудудларида маиший техника, дори-дармон, мебель, қурилиш материаллари, пойабзал, чарм махсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ташкил қилиш борасида фикр алмашилди.

Анжуманда озиқ-овқат махсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, логистика маркази ташкил этиш, чинкидин қайта ишлаш, биргаликда геология-қидирув ишларини олиб бориш ва кўмир етказиб бериш, ахборот технологиялари, электротехника ва қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштириш бўйича 20 та битим, меморандум ва савдо шартномалари имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Ҳўжаев иштирок этди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАКЛИФИ ВА ТАШАББУСЛАРИ

ШХТ фаолиятини янги мазмун билан бойитибгина қолмай, бутун инсониятнинг фаровонлиги учун ҳам хизмат қилади

Яқинда Остонада ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва "ШХТ плюс" форматидagi учрашув халқаро майдонда катта қизиқиш билан қутиб олинди. Бу бежиз эмас, албатта. Бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб ярими ШХТга аъзо мамлакатларда истиқомат қилади, унинг ҳудуди ер юзининг чорак қисmini эгаллайди.

Жаҳон банки маълумотларига кўра ШХТ давлатларининг ялли ички махсулоти 2023 йил охирида 24,5 триллион долларни ёки жаҳон ялли ички махсулотининг 24 фоизини ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич тузилма ташкил этилган 2001 йилдагига нисбатан 13 баробарга ўсган. ШХТга аъзо давлатларнинг умумий ташқи савдоси эса 8 триллион долларга етди, бу эса 20 йил аввалги кўрсаткичдан 100 баробар кўпдир. Шу нуктаи назардан, дунё ҳамжамиятининг ташкилотга қизиқиши, айниқса, халқаро вазият кескинлашган бир пайтда тобора ортиб бормоқда.

Муносабат

Остона саммитига ЧХТга расман 9 давлат — Қозғистон, Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон аъзо эди. Бу галги саммитда Беларусь ШХТга тўлақонли аъзо бўлди ва тузилма давлатлари сони ўнгага етди.

Маълумки, Беларусь 2010 йилдан буён ШХТ доирасидаги турли тадбирларда иштирок этиб келди. Дастлаб у мулоқот бўйича ҳамкор эди, кейин эса кузатувчи мақомини олди. Беларусь савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш ва ШХТнинг умумий транспорт маконини ривожлантиришдан манфаатдор.

Айрим экспертлар фикрича, ШХТ Осиё давлатларининг овози ҳукмрон бўлган ташкилот. Лекин аслида ундай эмас. Бугунги кунда Саудия Арабистонидан тортиб Македония ва Сербиягача турли давлатлар ШХТ билан ҳамкорликдан манфаатдор. Тузилма мулоқот учун қўлай майдон саналади, барқарорлиги, халқаро ҳуқуқ тамойилларига содиқлиги ва бунёдкорлиги билан бошқаларни ўзига жалб этади. ШХТга аъзо давлатлар ўртасида кенг қўламли (минтақавий хавфсизлик, мавжуд таҳдидларга қарши курашиш, иқтисодий ривожланиш, яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч) ҳамкорлик йўлга қўйилган.

ШХТ доирасида Қозғистон томонидан илгари сурилган "Адоллати дунё ва тотувлик йўлида глобал бирлик тўғрисида"ги ташаббус моҳиятан саммитнинг асосий лейтмотиви бўлди. У шунинч чораларини мустақамлашга, дунёдаги барча давлатнинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу ташаббус аъзо давлатларнинг глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги асл нияти ва қатъиятини кўрсатади. Унда ШХТнинг халқаро муаммоларга ёндашуви ва бугунги кунда бутун инсониятнинг ташвиша солаётган масалаларни ҳал этиш йўллари баён қилинган. У, хусусан, хавфсизлик муаммолари, адолатли ва янги дунё тартибининг ўрнатиш, давлатларга зулум ўтказиш интилишидан тўлиқ ҳалос бўлиш учун зарур шарт-шароитларни ўз ичига олган. Бу принципларнинг барчаси Остона декларациясида ўз аксини топди.

Декларацияга кўра ШХТ давлатлари

ва фаровонлик учун савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш шаклини таъкидлади. Айтиш жоизки, ШХТ ҳар доим халқаро ҳуқуқнинг умумтаъриф этилган тамойиллари ва БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи ролига таянган кўптомоналамлик асосидаги адолатли дунё тартибига тарафдори бўлиб келгани боис кейинги пайтларда тузилма атрофида жиқлашшига интиляётган давлатлар сони ортиб борапти. Шу билан бирга, юзага келган воқелик Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти самарасини оширишда янги стратегик ёндашувларни талаб этмоқда. Тузилмада Хитой, Россия ва Ҳиндистон каби йирик давлатлар, Покистон, Эрон,

ШХТнинг умумий мақсадларидан бири — халқлар ўртасидаги мулоқотни мустақамлаш, бунда халқ дипломатиясидан кенг фойдаланиш. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари цивилизациялараро мулоқотнинг ноёб моделини илгари суриш ва биргаликда мустақамлашга ҳаққарор экан, халқларимизнинг бой маданий-тарихий ва маънавий мероси, анъаналари, урф-одатлари ва турмуш тарзи — бу ўзаро ишонч кўпригини, яхши қўшничилик ва яқин дўстликни мустақамлашга хизмат қиладиган қудратли ва ҳаётбахш куч эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Қозғистон каби катта минтақавий давлатлар тўпланган. Демак, уларнинг улкан саложияти ҳамда жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги ортиб бораётган ролига мис келадиган янги мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш, янги лойиҳа ва ташаббусларни илгари суриш вақти келди.

Давлатимиз раҳбари ШХТ таъсис этилган даврдан буён замонавий таҳдидларнинг табиати ва мижёси сезиларли даражада ўзгаргани сабабли хавфсизликни таъминлаш масалаларида унинг фаолиятининг концептуал асосларига янги ниғоҳ билан қарашни тақдир қилди. Шунингдек, умумий хавфсизликка хатар ва таҳдидлар охиб бораётган экан, вақолатли органлар раҳбарлари ва экспертлар иштирокида ҳар йили "Хавфсизлик масалалари бўйича ШХТ лги мулоқоти"ни ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Эътиборлики, Остонада "ШХТ плюс" форматига илк бор аъзо давлатлар, мулоқот бўйича кузатувчилар, шериклар ҳамда БМТ Бош қотиби иштирокчида учрашув бўлиб ўтди. 20 йил ичида ШХТ ва БМТ чинакам ҳамкор ташкилотларга айланди. ШХТ БМТ Бош Ассамблеяси ҳузурда кузатувчи мақомига эга бўлиб, 2010

йилда ҳар икки ташкилот котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланган. БМТ ва ШХТ ўртасидаги ҳамкорлик резолюцияси 2023 йил 1 сентябрда Бош Ассамблеянинг 77-сессияси ялли мажлисида қабул қилинган.

Ҳар қандай ташкилот ёки уюшманинг тақдирини муваффақиятли савдо-иқтисодий ҳамкорликка, унинг доирасида амалга ошириладиган ташаббусларга боғлиқ. ШХТ маконинда савдо-иқтисодий ҳамкорликни изчил "қайта ишга тушириш", кўп томонлама савдо ва тармоқлараро шерикликнинг мустақам асосларини яратишга ўта муҳим масала. ШХТ давлатларининг ялли ички махсулоти (ЯИМ) жаҳон давлатларига қараганда анча юқори суръатда ривожланётганини таъкидлаш лозим. Масалан, 2023 йилда ЯИМ ўсиши Ҳиндистонда 7,6 фоиз, Хитойда 5,2 фоиз, Қозғистонда 5,1 фоиз, Ўзбекистонда 6 фоиз, Қирғизистонда 6,2 фоизни ташкил этди. Жаҳон ЯИМнинг ўртача суръати 2,7 фоизни, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатларида эса 1,7 фоизни ташкил этишини ҳисобга олсак, ШХТ давлатларининг ялли ички махсулоти таъдил жадал ўсиб бораётгани эътиборга молиқ.

Очик айтганда, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг иқтисодий салоҳияти жуда катта ва бундан тўлиқ фойдаланиш лозим. Шу мақсадда ШХТнинг 2030 йилгача иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича аниқ ҳаракатлар режаси қабул қилинди. ШХТнинг ЕОИИ, БРИКС ва АСЕАН, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Қўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши каби интергосцион бирлашмалар билан алоқалари катта имкониятларга йўл очди. Транспорт йўналишларининг ўзаро боғланишини янада мустақамлаш жаҳон савдосининг барқарор ўсишига катта ёрдам беради. ШХТга аъзо давлатлар ҳудудини 350 минг километрдан ортиқ темир йўл ўтади. Дунё бўйича юк ташинининг учдан икки қисми ушбу йўлларга тўғри келади. Шу боис ШХТ маконини жаҳон савдосини ривожлантириш учун Катта Евроосиё камарига айланиши мумкин.

Ўзбекистон Евроосиё транспорт тизимининг энг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун Президентимиз "Шарқ — Фарб" ва "Шимол — Жануб" йўналишлари бўйича инклизив транспорт тизимларини шакллантириш мамлакатлар иқтисодий салоҳиятини самарали ривожлантириш имконини беришини таъкидлади. Зеро, транспорт йўлақлари кўп вариантли бўлиши — бу бутун минтақамиз барқарор ривожланишининг энг муҳим шартидир. Шу маънода, ШХТ майдонини глобал савдо ривожининг йирик маконига айланишига қодир.

Саммит давомидида томонлар савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш ва электрон савдонини ривожлантириш, технологик кооперацияни, жумладан, келажак саноти тармоқларини рағбатланти-



Қўниртўбай ШАРИПОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири.

риш бўйича комплекс чора-тадбирлар қўришга келишиб олди. Бизнес мулоқоти учун самарали платформани шакллантириш мақсадида Ўзбекистон етакчиси барча шерикларни жалб қилган ҳолда ҳар йили "ШХТ ЭКСПО" халқаро санаят кўргазмасини ўтказишни тақдир этди.

Ўзбекистон Президенти экологик муаммолар ва уларнинг ечимини борасида ҳам тақдирларни ўртага ташлади. Чунки биз турли табиий офатлар сезиларли даражада қўлайганига ғувоб бўлмайми. Дунёнинг барча давлати бундан азият чекмоқда. Яқинда Россия, Хитой, Қозғистон, Қирғизистон, Покистон каби ШХТга аъзо давлатлар ҳам мисли қўрилмаган сув тошқинларини бошдан кечирди. Мутахассисларнинг фикрича, бу табиий офат қўламини глобал исши жарояни билан бевосита боғлиқ. Иқлим муаммоларини ёлғиз ҳал қилиб бўлмаслиги аниқ. Демак, жаҳон ҳамжамияти "яшил" иқтисодиётга ўтиш бўйича ўзининг дадил қадимини давом эттириши керак. Экологияга таҳдид қўлайиб бораётган бир шароитда иқлим соҳасидаги ҳамкорлик ШХТ янги кун тартибининг энг муҳим қисмига айланиши лозим. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "яшил" тараққиёт соҳасидаги умумий мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган Иқлим ўзгаришга қарши курашиш ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш тақдирини қўллаб-қувватлади. Бундан ташқари, Тошкентда экологик барқарорлик ва "яшил" ўсиш соҳасида тадқиқотлар олиб борадиган ШХТнинг Иқлим муаммолари бўйича иннова-

цион ечимлар марказини ташкил этиш тақдир қилинди.

Ўзбекистон — иқтимоий давлат. Аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва иқтимоий ҳимоя масалалари давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Ўзбекистон ШХТ кун тартибида ҳам камбағалликни қисқартириш ва иқтимоий ҳимоя масаласи марказий ўринини эгаллаш лозим, деган фикрда. Шу маънода, келгуси йили Самарқанд шаҳрида Келажак саммити мақсадидаги эришишга муносиб ҳисса қўшиш учун БМТ шафелигидега барқарор иқтимоий ҳимоя масалалари бўйича глобал конференцияни ўтказиш режалаштирилгани маълум қилинди.

ШХТнинг умумий мақсадларидан бири — халқлар ўртасидаги мулоқотни мустақамлаш, бунда халқ дипломатиясидан кенг фойдаланиш. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари цивилизациялараро мулоқотнинг ноёб моделини илгари суриш ва биргаликда мустақамлашга ҳаққарор экан, халқларимизнинг бой маданий-тарихий ва маънавий мероси, анъаналари, урф-одатлари ва турмуш тарзи — бу ўзаро ишонч кўпригини, яхши қўшничилик ва яқин дўстликни мустақамлашга хизмат қилдиган қудратли ва ҳаётбахш куч эканлигини таъкидлади.

Яқинда қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг "Халқаро цивилизациялар ўртасида мулоқот кунин" резолюциясида айнан шу йўналиш акс этган. Шу муносабат билан Ўзбекистон томонидан илгари сурилган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик бўйича Самарқанд ташаббусининг долзарблиги яна бир бор қайд этилди. Унинг амалга оширилиши барқарор ривожланиш йўлидаги эътиборини энг юқори даражада таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари маданият, таълим, ёшлар ва сайёҳлик алмашувлар соҳасидаги дастурларни амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, ушбу йўналишлардаги лойиҳаларни тизимлаштириш ва биргаликда амалга ошириш имконини берадиган ШХТ гуманитар ташаббус ва дастурлари ягона банкни ишлаб чиқиш тақдир этди. Эътиборлики, илгари сурилган бу тақдир ва ташаббусларнинг барчаси ШХТ фаолиятини янги мазмун билан бойитибгина қолмай, бутун инсониятнинг бугуни ва эртаси, фаровонлиги учун ҳам хизмат қилиши мумкин.

Қисқача айтганда, ШХТ фаолияти Евроосиё маконинда иқтисодий ва сарможавий, сиёсий ва хавфсизлик бобидаги ҳамкорликнинг янги архитектурасини шакллантиришга қаратилган. Бу ҳеч қандай учинчи давлатлар ёки блоklarга қарши уюшма эмас, балки адолатли дунё тартибининг ўрнатишга ҳаракат қилаётган тузилмадир. Бугун дунё бир қутбли тартибдан кўп қутбли дунё сари ўз тутмоқда. Муайян давлатларнинг глобал тартиб ўрнатишдаги таъсирини даври якунланмоқда. Шунинг учун ҳам дунёни адолатга қўлайдиган, замон талабига мос суръат берадиган тамойиллар зарур. ШХТ эса ушбу вазифаларни шараф билан бажариб келяпти.

ШХТнинг Остона декларацияси тимсолида ташкилотга аъзо барча давлатнинг позициялари ва қарашларини жамлаган йирик концептуал ҳужжат қабул қилиндики, бу Шарқ ва Фарб ўртасидаги қарама-қаршиликнинг олдини олишга, тузилма ичкери ва ташқарисидаги давлатлар ўртасида ишонч кўприкларини тиклашга, дўстона дипломатик муносабатларни сақлаб қолишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Глобал таълим консорциуми (CGE)га аъзо университетларнинг Жанубий Кореяда ўтказилаётган учинчи йиллик халқаро конференциясида Самарқанд халқаро технология университети (SIUT) ректори Юсуф Абдуллаев бошчилигидаги делегация иштирок этди.

СЕНАТОР ВА ҲАЁТ

ҲУДУДЛАР РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг жойларда ўтказиб келинаётган сайёр мажлисларида парламент назорати доирасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси юзасидан ташкил этилган ўрғанишлар натижалари ҳам кенг муҳокама қилинаётгани эътиборга молик.

Хусусан, яқинда Навоий вилоятидаги сайёр мажлисида Сенат ишчи гуруҳи томонидан олиб борилган ўрғанишлар жараёнида аниқланган муайян ютуқ ва камчиликлар таъкидлий-таҳлилий кўриб чиқилганидан хабарингиз бор. Унда сенаторлар томонидан ҳудудий дастурларда белгиланган, аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини яхшилашга йўналтирилган айрим вазифаларнинг ижроси кечикаётгани алоҳида айтиб

ўтилган эди. Муҳими, айна чоғда мазкур масалалар парламент қорғи палатаси томонидан назоратга олинган. Маълумки, мамлакатимиз Президентининг 2022 йил 26 январдаги қарорига мувофиқ ҳудудларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш мақсадида вилоятдаги туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари кардиология бўлимларига 11 тадан ЭКГ, ЭхоКГ, Холтер-монитор ва дефибрилятор аппаратлари етказиб бериш кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 июндаги қарорига тез тиббий ёрдам тизимида мавжуд автотранспорт воситалари паркинни янгилаш мақсадида 2 та йўлланамас автотранспортни етказиб бериш вазифаси белгилаб қўйилган.

Ҳўш, айна пайта ана шу долзарб вазифани ижроси қандай борапти?

Айтиш жоизки, ҳозирги пайта мазкур масалалар Сенат назоратига олинган ва Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан амалий чора-тадбирлар кўриломқда.

«Халқ сўзи».

МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Хабарингиз бор, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудлардаги фаолияти давомида аҳоли вакиллари ва тадбиркорлар билан мулоқотлар ўтказиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриб келмоқда. Муҳими, бу каби масалалар сенаторлар томонидан қатъий назоратга олинганда ҳамда ечимини топмагунча уларнинг эътибори марказида бўлади.

Бунга бир мисол. Сенаторларнинг Қашқадарь вилоятидаги ўрғанишлари давомида Шахрисабз туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактабида замонвий касблар лабораториясини ташкил этиш ҳамда фтизиатрия ва пульмонология тизимидаги сихатгоҳларни

касблар лабораториясини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган жиҳоз ва ускуналар рўйхати шакллантириш ҳамда Қашқадарь вилояти ҳокимлиги томонидан 181 миллион сўм маблағ ажратилиши таъминланди.

Шу тариқа вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси томонидан белгиланган рўйхатдаги жиҳозлар харид қилиниб, Шахрисабз тумани «Баркамол авлод» болалар мактабига етказиб берилди.

«Халқ сўзи».

Семинар

ТАНЛОВ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан «Энг яхши ижтимоий ташаббус» республика кўрик-танловини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш масалалари бағишланган семинар уюштирилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси Маҳаллий ҳокимият вакиллари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат органларининг очкичилигини таъминлаш масалалари бўйича қўмитаси раиси, халқ депутатлари туман ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши котиблари мудири, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари катнашди.

Тадбирда «Энг яхши ижтимоий ташаббус» республика кўрик-танловини ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича Низомга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Хусусан, кўрик-танлов мuddатларига киритилган ўзгаришлар, шунингдек, туман (шаҳар) ва вилоят босқичларини 9 кишидан иборат комиссия ўтказиши, ҳар бир босқич ғолиблари овоз бериш йўли билан аниқлашни юзасидан маълумотлар тақдим этилди.

Семинарда маҳаллий Кенгаш котибати мудири кўрик-танловнинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичларини жорий йил август-сентябрь ойларида юқори савияда ўтказиш, бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликни ҳабардор қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Қолаверса, маҳаллий Кенгашларга жамоатчиликни «Энг яхши ижтимоий ташаббус» республика кўрик танлови бошланганидан хабардор қилиш вазифаси юкланди.

«Халқ сўзи».

Китоб жавонингизга

ҲАР БИР САҲИФАСИ ҲАҚҚОНИЙ ТАРИХ



Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди. Золимлар зулм ва зуғум билан оқни қора, қорани оқ қилиб кўрсатишга уринишса ҳам, барибир вақт ўтиб ҳақиқат юзага чиқади. Тўғри, тарих қудуғидан ҳақиқатни излаш ва тиклаш ниҳоятда машаққатли иш. Бунинг учун тарихий ҳужжатларни синчилаб ўрганиш, қиёслаш, текшириш, таҳлил қилиш, қисқача айтганда, тадқиқот олиб бориш талаб этилади. Шурки, давлатимиз мустақилликни қўлга киритгач, халқимиз тарихидagi муҳим воқеа ва ҳодисаларга ҳолисона баҳо бериш, тарихий ҳақиқат ҳамда адолатни қарор топтиришга қаратилган кўплаб кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда.



Жорий йилда нашр этилган «Тарихий хотира беқиёс» китоби ҳам, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тарихига оид чуқур ва изчил тадқиқотлар маҳсули саналади.

Китобнинг ilk саҳифаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари билан бошланади: «Халқимиз асрлар давомида оғир синовларда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намойён этиб келган. Ўз озодлиги, эркинлиги йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди».

Китобнинг бош ғояси ва асосий мақсадни ифодалаган ушбу фикрлар ҳар биримизни донимдан халқимиз, мард ва жасур аجدодларимизнинг қаҳрамонликлари билан яқиндан танишишга, уларнинг жасоратларида ўрнатилган, шу нукта назардан, китоб муроғасига диққат-эътибор ва масъулият билан қиришишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи томонидан нашрга тайёрланиб, «Encyclopedia world» нашриётида халқаро андозаларга мувофиқ тарзда юқори сифат ва дид билан chop этилган ушбу энциклопедик китоб бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан эътиборга молик.

Авалло, китобнинг тузувчи-муаллифлари ниҳоятда катта жамоани ташкил этади — 77 нафар юрист ва тарихшунос олимлар ҳамда соҳа мутахассислари мазкур нашрга асос бўлган тадқиқотларга ҳисса қўшишган. Китоб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Нигматулла Йўлдошевнинг умумий тахрири остида нашр этилган. Шунингдек, нашр учун масъул бўлган Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи директори С. Хасанов, Бош прокурор ўринбосари Б. Самандор, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Кадрлар бошқармаси бошлиғи А. Абдуллаев ҳам ўз вазифаларида синчковлик билан, сидқидилдан ёндашганлари яққол кўриниб турибди.

Китобни қўлингизга олар экансиз, дастлаб унинг ноудатий услуб, фалсафий-рамзий сурат ва ранглар билан ишланган муқоваси эътиборингизни тортади. Муқовада тиканли симлар домига тушиб қолган «Мартлет куши» тасвиридан. Мартлет куши Фарб афсоналарида кўра меҳнатсеварлик, қатъийатлик, ирода, матонат, интилувчанлик рамзи ҳисобланади. Муқовада ушбу қушни акс эттириш орқали халқимизнинг мамлакатимиз прокуратураси тизимида виждонан ва ҳалол хизмат қилган, юксак салоҳияти билан қисқа фурсатда улкан ишларни амалга оширган, аммо фидокорона меҳнати собиқ мустабид тузумда кадр топмаган, аксинча, зуғумкор қатагон сиёсатининг «тиканли симлари» исканжасида қолган фидойий фарзандларига ишора қилинган. Муқова учун ботаётган қуёш нуралидан алвон тусга қилган шафак ранги танланган. Ёзувчи Наби Жалолиддин «ўлимнинг ранги» деб атаган ушбу ранг умидсизлик, зулм ва қатагон тими-солнини ифодалаган.

Китобхон мутолагага киришар экан, муқовада акс этган дард унинг саҳифаларида янада алангаланиб бораётганини англайди. Чунки мазмунига кўра энциклопедик характерга эга бўлган бу асарда ХХ асрнинг қатагон йилларида жамиятда адолат устуворлиги учун қатъий курашган, оқибатда турли лавҳамат ва иқбол билан тазйиққа учраган, лавозимидан бўшатилган, ҳатто озодликдан маҳрум қилинган ёки ўлим жазосига ҳукм этилган, аслида эса ҳеч бир айби бўлмаган

Акmal САИДОВ, академик.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлигининг Сирдарё вилояти бўйича муҳбири Шухрат СУЯРОВнинг вafоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаевнинг «Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ ВА БАНДЛИГИ — ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилиб, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, орау-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Утган даврда ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий база мустаҳкамланиб, улар ҳаётига бевосита таарули бўлган қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган мустақил фикрлайдиган, замонвий билим ва касбухоналарни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахсларни тарбиялаш ҳамда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агентлик директори ахборотида кўра 2021 йилдан бошлаб, ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида мутлақо янги тизим — «Ёшлар дафтари» жорий этилган. Тизимни рақамлаштириш, ижтимоий ёрдамларнинг манзилли этиб боришини таъминлаш мақсадида «yoshlar.daftari.uz» электрон платформаси ишга туширилган. 25 та вазирлик ва идоранинг таҳлиллари электрон платформа билан интеграция қилинган эвазига ҳақиқатда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар рўйхатлари шакллантирилган.

«Ёшлар дафтари» орқали йигит-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш имконияти яратилди. Мурожаатлари кўриб чиқилган мuddати эса 30 кундан 5 кунгача қисқариб, қўрсатиладиган ёрдам турлари сони 30 тага етган.

Ҳукуматнинг тегишли қарорига асосан, ҳар бир туман (шаҳар) ва ви-

лоятда молиявий манбалари аниқ белгиланган алоҳида «Ёшлар дафтари» жамағаларини ташкил этилган. 2021 — 2024 йиллар давомида ушбу тизим орқали кўмак кўрсатилган ёшлар сони 1 млн. 157 минг нафарга етиб, уларга 1 трлн. 457 млрд. сўм миқдоринда ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини, меҳнатга бўлган қизиқишини ошириш ҳамда илм-фан, техника, санъат ва спортга жалб этиш борасида қатор тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, «Келажақ касблари» лойиҳаси доирасида 1 минг 38 нафар ногиронлиги бўлган ёш замонвий касблар, ахборот технологиялари ва ҳорижий тиллар бўйича ўқув курсларида бепул ўқитилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилган тизимли ишлар натижасида маҳаллаларда ишсизларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилди. Қолаверса, мактаб битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича «Самарқанд тажрибаси» ишлаб чиқилиб, юртимизнинг барча ҳудудига жорий этилди.

Маълум қилингандек, ҳорижий давлатларга вақтинчалик меҳнат қилиш учун жўнаб кетган йигит-қизлар билан манзилли ишлаш масаласи ёшлар етакчиларининг устувор ва-

зифаларидан бири саналади. Шу боис етакчилар томонидан хондонма-хондон хатлов ишлари орқали 268 минг нафар хориждаги ёшлар баланси шакллантирилиб, улар билан доимий мулоқот ўрнатилган. Шунингдек, ўтган давр мубоинида мигра-



циядаги 328 минг йигит-қиз ватанга қайтарилиб, муносиб иш ўринлари билан таъминланди. Хориждаги 89 минг ёшнинг оилаларига моддий, ҳуқуқий, ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Парламент эшитишда депутатлар томонидан олий маълумотли мутахассисларни доимий иш билан таъминлаш, иқтидорли йигит-қизларнинг таълим кредитига эга бўлишини кафолатлаш, ҳаётида ўз ўрнини топишга қийналаётган ёшларни касб-хўнарга қайта тайёрлаш билан боғлиқ масалаларда ечимини қутаётган айрим муаммолар мавжудлигига эътибор қаратилиб, бу бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш ва амалиётга тадбиқ этиш лозимлиги таъкидланди.

бўйича таклиф ва тавсияларини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари асосий эътиборни ногиронлиги бўлган ёшларга ажратилаётган субсидиялар миқдорини ошириш, шунингдек, ажратилаётган маблағларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилувчи механизмлардан умумий фойдаланиш масалаларига қаратди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари томонидан мактабгача ва умумтаълим мактабларида болаларга экологик таълим-тарбия бериш масалаларига тизимли ёндашиш лозимлиги қайд этилди.

Қизгин савол-жавоб ва муҳожамадан сўнг депутатлар ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган қатор таклиф ва тавсиялар беришди. Қўн тартибидagi масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга қилибди олинди.

Парламент эшитишуви якуни бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ишчи гуруҳларда

Омбудсман ваколатлари кенгаймоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган, 9 боб, 56 моддадан иборат қонун лойиҳасида Омбудсман ўз олдига турган вазифаларини монеликсиз ва самарали амалга ошириши учун қўшимча кафолатлар белгиланмоқда.

Шу билан бирга, Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маъруза Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида ҳар йили эшитилиши назарда тутилган. Давлат органлари, жумладан, ҳуқуқий муҳофиза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида Омбудсман томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис палаталарига ахборот тақдим этиш тартиби мустақамланган.

Ишчи гуруҳ йиғилишида қонун лойиҳасидаги нормалар депутатлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ҳамда мутахассислар иштирокида атрофида муҳокама қилинди.

Яқинда ишчи гуруҳ томонидан қонун лойиҳасини қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритишга қилишиб олинди.

Психологларнинг қонуний фаолият олиб бориши таъминланади

Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан «Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Таъкидлангандек, бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Қонун лойиҳаси билан аҳолига психологик ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари, вазифалари, турлари, шакллари ҳамда стандартлари белгиланмоқда.

Шунингдек, психологик ёрдам кўрсатиш соҳаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бепул психологик ёрдам кўрсатиладиган шахслар топқалари аниқлаштирилган. Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги профессионал уюшмалар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, психологик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан психологик ёрдам кўрсатилган ва (ёки) психологик ёрдам кўрсатиш бўйича қонунларда белгиланган чекловларга риоя этилмаганлиги учун маъмурий жавобгарлик чоралари кўзда тутилган.

Депутат Зумрад Бекатованинг қайд этишича, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган таклифлар асосида ундаги нормалар маромига етказилишмоқда. Албатта, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш соҳасининг ҳуқуқий асосларини яратиш, фуқароларнинг малакали психологик ёрдам олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, психологларнинг қонуний фаолияти олиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини тақомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Франциянинг Кодбек-Ле-Элбёф шаҳрида ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 742. 12 561 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган қўлэмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаобгар. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли chop этилишига «Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳис — Ш. Машрабев. «Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.45 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6